

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АДАБИЁТШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

ХОДЖАЕВА ШАҲНОЗА ЭРГАШЕВНАНИНГ

5220100-ўзбек филологияси таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун

“Асад Дилмурод қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат”
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: филология фанлари
номзоди, доцент Қ. Қўбаев

Гулистон-2015

РЕЖА

КИРИШ

I БОБ ТАРИХИЙ АСАРДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ

II БОБ ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК ВА БАДИИЙ ТАСВИРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

МУНДАРИЖА

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Тарих ва бадиий адабиёт масаласи ғоят серқирра, серқўлам ва теран масаладир. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, халқимизнинг олис ўтмишига, тарихий шахслар тақдири ва ҳаётига қизиқиш ниҳоятда кучайди.

Тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш жаҳон адабиётида устивор йуналишлардан ҳисобланади. Зотан, тарих воқеликнинг бўлиб ўтгани ҳақида сўзласа, адабиёт унинг қай тарзда бўлгани хусусида ёритади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, адабиёт ҳар қандай тарихий воқеани шунчаки тасвирламайди. Унинг марказида инсон омили туради ва инсоний туйғулар ва кечинмаларни тасвирлаш биринчи планга чиқади.

Тарихий воқеъликни бадиийлаштиришга доир изланишлар ўзбек адабиётида 70-йиллардан бошлаб кенг эътибор берила бошлади. Лекин, Абдулла Қодирий ижоди бу шаклланишнинг аввалида тургани шубҳасиз. Чунки айнан Қодирий «мозийга қайтиб иш кўришнинг ҳайрлик» эканлигини ўз ижодида кўрсатиб берган эди. Аммо XX асрнинг ибтидосида бошланган бу ҳаракат кейинроқ ўзгача тусда давом этди. Яъни Қодирий «мавзуни мозийнинг кир саҳифаларидан» олган бўлса, 60-70 йилларда жаҳон миллий маданияти тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган Шарқ алломаларининг, жаҳонгир қаҳрамонлар сиймосини яратишга эътибор кучайди. Бинобарин бу ҳолат даврий тўлғонишлар билан боглиқ эдики, бу бизнинг тадқиқ йуналишимизга кирмагани учун ўзга тадқиқотларга қолдирамыз.

Биз ўзбек адабиётида тарихий ҳикоялари, қиссалари, романлари билан ушбу йуналишнинг тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган Асад Дилмурод ижодига эътибор бердик. Чунки адиб ижоди ўзбек адабиётшунослигидаги мазкур масала юзасидан чиқишларда йул-

йулакай таҳлил этилган холос. Ана шу кемтикликни тўлдириш мақсадида мавзу танлар эканмиз, унинг долзарблигини қуйидаги жиҳатлар билан изоҳлашимиз мумкин:

Асад Дилмурод ижоди ўзбек адабиётшунослигида ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Модомики муддао тадқиқ экан, адиб ижод йуналиши, унинг ўзига хос эстетик принципларини таҳлил этишни тақозо этади;

-Адиб ижодини таҳлил этарканмиз, унинг эстетик тасвир принципи – тарихий мавзу ва унинг талқини масаласига эътиборсиз қараш мумкин эмас; Адиб ҳикоялари ва романлари юзасидан адабиётшунослигимизда бир қадар кенгроқ муносабат билдирилган. Ўз-ўзидан аёнки, тадқиқини кутаётган масала – оқсаган йуналиш – тарихий қиссачилиқдир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Биз Асад Дилмурод қаламига мансуб қиссаларни бадиий таҳлил этиш ва унинг ўзига хос жиҳатларини назарий жиҳатдан текширишни ўз олдимизга мақсад сифатида қўяр эканмиз, ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

- адиб асарларини ўзлаштириш, ўрганиш;
- шу йуналишда яратилган асарлар билан қиёсий таҳлил этиш;
- ушбу йуналишда бажарилган илмий **ва** илмий-танқидий манбалар билан танишиб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ўз йуналиши ва таҳлил объектининг ҳали ўрганилмаган асарларга мурожати билан янгидир. Шунингдек, одатдаги тарихий мавзулар ёритилишдан ўзгачароқ бўлган асарларни таҳлил этиш, ундаги тарихий воқеликдан ҳам кўра кўнгил кечинмаларининг устиворлигини кўрсатишга қилинган ҳаракат билан ҳам ўз янгилигини кўрсатиши мумкин.

Тадқиқотнинг методологик асоси сифатида биз Аристотель, Гегель, Белинский, Чернишевский каби жаҳон алломаларининг бадиий адабиёт эстетик принциплари, назарий қоидаларига бағитшланган тадқиқотларидаги фикрларига суяндик. Шунингдек, Н.Каримов, У.Норматов, С.Мирвалиев, А.Каттабеков каби ўзбек олимларининг ҳам фикрлари, мазкур масалага оид қарашларига ўз тадқиқот ишимизни бажариш жараёнида мурожаат этдик.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Биз мазкур БМИ ишини амалга оширишда тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, адиб Асад Дилмуроднинг «Гириҳ» (-Т., «Ёш гвардия», 1989) тўпламига киритилган икки қисса - «Мулк» ва «Гириҳ» қиссаларини танлаб олдик.

Тадқиқотнинг тузилиши. Мазкур БМИ мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК ВА БАДИИЙ ТАСВИРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Одатда тарихий воқеълик тасвир объект сифатида танланган бадиий асарларда маълум бир воқелик ёхуд маълум бир тарихий шахснинг ҳаёт йули ва унинг ҳаёти мобайнида амалга оширган ишлари, тарихий воқелик замирида тасвирланади. Бир сўз билан айтганда унинг ҳаёт йули конкрет фактлар асосида очиб берилади. Бироқ айрим тарихий мавзуда ёзилган асарлар ҳам борки, улар учун танланган объект бутунлай ўзгача. Яъни уларда айнаи бир тарихий воқелик ёки тарихий шахс ҳаёти ёритилмаса-да, маълум бир тарихий бино ва унинг яратилиши, кейинги тарихий ҳаёти, у билан боғлиқ шахсларнинг ҳаёти хусусида сўз боради.

Ўзбек адабиёти тарихида бу каби экспрементал ижодий ишлар камдан-кам кузатилган, аниқроғи, умуман йуқ деса ҳам бўлади. Ёзувчи ва жамоат арбоби асад Дилмурод ижодида мана шундай ҳолатни кузатиш мумкинки, унинг қатор ҳикоялари, қиссалари ўз услуби, воқеликни тасвирлашдаги оригиналлиги билан аҳамият касб этади.

Халқимизнинг адабий-эстетик эҳтиёжи, кун тартибидаги муҳим ижтимоий-эстетик дидини ўстиришга, уни қондиришга интилиб келаётган истеъдодли носирларимиздан бири Асад Дилмурод тарихий ҳақиқатларни бадиий талқин қилишга, насримиз имкониятларини янада кенгайтиришга баракали ҳисса қўшмоқда. Бугунгача ўнлаб ҳикоялар, «Шердор», «Мулк», «Гирих», «Интиҳо» қиссалари, «Маҳмуд Торобий», «Фано даштидаги қуш», «Паҳлавон Муҳаммад» романларини ўқувчилар ҳукмига хавола этган ёзувчининг асарларида гоҳ тарихий, гоҳ мистик-романтик, гоҳида эса ўткир психологизм руҳи устунлик қилади. Бу эса унинг ўз қаламини тинимсиз чархлаётгани, мудом интилиш ва изланишда эканлигини кўрсатади. Айтиш мумкинки, бу каби

изланишлар мазкур йуналишда ижод қилган бошқа ижодкорларда ҳам кузатилган бўлса-да, уларнинг имкониятлари кенг даражада эмаслиги қуйидагиларда кўранади:

- биринчидан, адиб ижод ўз ижодини бошлаган даврлар ўзга ижодкорларга нисбатан миллий мустақиллик даврининг айна юқори даражага кўтарилган даврга туғри келади;

- иккинчидан, адиб тарихий фактларни ўрганишнинг имкониятлари нисбатан кенгайган даврларга туғри келади.

Бу икки жиҳат адиб ижодининг адабий-эстетик даражасини ҳам белгилайди, дейиш мумкин.

Тарихни ўрганиш, олис ўтмишда кечган ҳодисалар туфайли халқларнинг юксак маданият пиллапояларига кўтарилиш ёки тараққиёт чўққиларидан ногоҳ, пастга думалаб таназзулга юз тутиши каби хилма-хил «воқеаларни таҳлил қилиш, мағзини чақиш ва улардан бугунги кун учун зарур бўлган ибратли хулосалар чиқариш етук жамиятга хос фазилат ҳисобланади. Тарихий мавзуда қалам тебратиш анча мушкул вазифадир Айниқса, тарих ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришнинг ижодий жиҳатдан жуда қийин жараён. Бадиий асар ҳеч қачон тарихнинг айнан акси бўлолмайди. Айна пайтда бу ҳам ёзувчи яратган бадиий олам. Бу бадиий олам ҳам тарихни, ҳам аниқ чегараланган даврни, ҳам ёзувчи тафаккури, орзу-умидлари ва туйғуларини акс эттириши лозим.

Асад Дилмуроднинг «Мулк» қиссаси – бу эпик жанрдаги ўзига хос бадиий шаклда ёзилган асардир. Асарда аниқ бир воқелик хусусида гап кетмаса-да, ундаги тасвирлар беихтиёр тарихнинг кўҳна манзараларини кўз олдингизда гавдалантириб, яққол полотно сифатида намоён бўлади.

Асарнинг бошланиши бошқа тарихий асарлардаги каби (масалан Ойбекнинг «Навоий» романи) фозиллар суҳбати билан бошланиши ҳам бежиз эмас. Чунки бу тасвирлар билан ёзувчи ўқувчини асарнинг асос мағзига олиб киради.

«Саноқсиз шамлар маҳобатли ганчкорий хонани чароғон айлаган эди. Гулдор эроний гиламлар, адрас кўрпачалар тўшалган хонада ўн чоғли одам йиғилган...»¹¹.

Айни тасвирдан ҳам кўринадик, асардаги воқеликлар мавхумлик билан бошланган. Кейинги тасвирларда ҳам бу мавхумлик сақланиб қолган.

Асардаги ёзувчи танлаган позиция бугунги кунга яқин бўлган, айни мустамлакачилик давридаги тарихий обидалар, ақидалар ва миллатимизнинг урф-одатлари ерпарчин қилинаётган, миллий дунёқарашдаги уларнинг изини батамом учиритишдек ҳаракатлар даврини қамраб олганки, ёзувчи бу даврдаги халқимиз кўнглидаги кечинмаларини қаламга олган. Биргина нақш ва биргина усталарнинг биноларни таъмирлаш усулublари орқали миллатимизга хос бўлган қадриятларни ҳимоя қилган юртдошларимиз сиймосини тасвирлашга уринади.

« Асардаги Ҳикмат Раҳмон, уста Жамшиддин, унинг ўғли Шамсиддин, уста Қурбон, уста Ризо каби образлар марказий образлар сифатида бўй кўрсатади. Мазкур образлар асарнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Айни пайтда образлар зиммасига юкланган вазифалар шу билан чекланмайди. Уларнинг ҳар бири алоҳида мустақил ҳаракатланиши натижасида асарнинг ёрдамчи образларини ҳам

¹ Дилмурод Асад. Гирих (киссалар). -Т.: Ёш гвардия, 1989. 26-бет

ҳаракатлантиради ва улар билан боғлиқ воқеликларга эътиборни тортади.

Тарихийлик - тарихий асарнинг кони ва жони. У ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичларидаги халқ идеалини бадиий гавдалантиришдир. Ўз даврининг тарихини яратган ижтимоий-сиёсий кучлар фаолиятига башарий кадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиш, уларни ўрганиш ва эстетик баҳолаш маданиятидир. Адибларимиз томонидан ўтмиш ва бугун ўртасидаги алоқаларни, авлодларнинг ижтимоий ҳамда маънавий-интеллектуал тажрибаларини ўрганиш, ўзлаштириш саъжия-салохияти демакдир. Мозийда кечган воқеа-ҳодисалар аниқлигига эришиш, тарихий қаҳрамонлар характерини яратишда давр рухидан келиб чиқиб, тил, урф-одатлар, ижтимоий муҳит колоритини сақлай билиш ва бадиий бўёқларда ишонтириш санъатидир.

Адиб қиссада маърифат ва жаҳолат ўртасидаги курашни яқин ўтмишдаги ҳаёт мисолида бадиий-фалсафий таҳлил этади. Тарихий ўтмиш ва ўтмишга айланган тарихнинг ўзаро муносабатлари асарда оригинал тарзда ифода этилган:

-Дада, - деди Шамсиддин, - булар ҳеч таъмирланмаганми?

-Таъмирланган, бир замонларда.

-Бизники ҳам шундай тўкиладими?

- Имондан айирмаган булса унча-мунчага тўкилмас, - деди уста чайналиброқ. - Бу ҳаёт, ўғлим, ҳар доим бўлади бетаъмизлар. Ёдингда тут негадир камина кўпроқ Тиллакорига хавасмандлик қиламан. У бошка оғаларига қараганда кўпроқ азият чеккан»².

Диологдан икки нарсани уқиш мумкин: биринчиси, мазкур суҳбат орқали ёзувчи бизга қаҳрамонни янада яқинроқдан таништиради,

² Дилмурод Асад. Гирих (киссалар). -Т.: Ёш гвардия, 1989. 26-бет

иккинчидан, бу билан тасвир объект ва асардаги асосий гап қайси обида, ёдгорлик хусусида бориши яна бир бор аниқлаштирилади.

«Бадиий асар, - дейди адабиётшунос олим В.Г.Белинский, - инсоният тарихининг қайси қатламини тасвирламасин, уни биринчи галда инсон сифатидаги уй-фикрлари билан ёритиши лозим»³. Атоқли рус олимининг бу сўзлари унинг Пушкин асарларига тақризи муносабати билан айтилган ва ўз фикрий мавқеи биз таҳлил этаётган масалага ҳам тааллуқдидир.

Асарда турфа воқеликлар ипга тизилгандек тасвирланаиб борар экан, бирин-кетин миллатнинг маънавий бойликлари, унинг асралиши, унга замонанинг муносабати сингари масалалар кўтарилиб боради. Кейинги бир воқелик энди лотин алифбосининг юртимизга кириб келиши билан боғлиқ тарзда берилади. Руслаштириш ва рус-тузем мактабларининг ўлкада қанот ёйиши албатта, ўлкани анчагина тинчлантиргани, бинобарин, маърифат аҳлини танг аҳволга солиши табиий эди. Уста Жамшиддин ҳамкасби Шариф урфонни ўзгача қиёфада, яъни тамомила замонавий тарзда кийинган алпозда учратиб, ундан барча воқеликларнинг тафсилини сурайди. Урфон ЧСБ (чаласаводларни саводлаш бўлими) бугуннинг энг зарур янгилиги сифатида ўғли Иброҳимни у ерга олиб боргани ва Шамсиддинни ҳам у ерга олиб боришни устага таклиф этади. Уста минг бир истиҳола, минг бир иккиланиш билан юрганда Иброҳимни кўчада учратиб қолади:

«Иброҳимни таниш қийин эди: сочини ўстириб бир ёнга тараган, келишимли юзи илиқ табассуига ғарк, чалвор ва зира беқасам тўн ўрнига қора костюм-шим, иссиқ пальто кийган, оёғида қўнжли кизил этикча ўрнида қора туфли ярқирар эди»⁴. Шундан сўнг уста Сўзангарон

³ Белинский В.Г. Адабий орзулар. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриети, 1987. 11-бет

⁴ Дилмурод Асад. Гириҳ (киссалар). Т.: Ёш гвардия, 1989. 53-бет

махалласидаги Иброҳим ўқийдиган мактабга бориб у ердаги ҳолат билан танишади:

«Тушга якин ота-бола дунёнинг сиёсий харитаси осилган торгина хонада сочи турмакланган, захил юзли, чувак опа қабулида бўлишди.

- Сўраганнинг айби йуқ, - деди уста Жамшиддин опага қарата хушмуомалалик билан. - Янгиси ёнида унисини ҳам ўрганаверса бўлмасми?

-Қандай... тушунмадим, - деди опа мўлтираб.

-Лотини ёнида деяпман... аввалгисиниям!..»⁵

Лекин уста ўйлаганича бўлиб чиқмайди. Бильакс устанинг орзуси орзулигича қолиб кетади. Мажбуран мактабга бораётган Шамсиддин энди ўзини бутунлай бошқача тута бошлайди. У ҳам Иброҳимга ўхшаб завқ-шавқ билан мактабдаги шиорбозлик, қизил сўзларга ўргана бошлайди. Бундай уста қаттиқ ўкинади. Зеро у миллат тақдирига бефарқ эмасди.

Адиб шу каби драматик ҳолатлар, зиддиятли вазиятлар орқали қаҳрамонлари тақдирини очиб борар экан, кейинда авали мулла Шамсиддин бўлган ҳозирда эса Шамсиддинбек булган қаҳрамон бир кун келиб ўзини ҳам замондан ортда қолганга чиқарса не ажаб. Чунки педагог олим Ян Амос Каминский айтганидек, «худо яратган барча жонзотларга ёшлигида нима бериб ўргатилса, у аввал қизиқиш бўлади, кейин эса эҳтиёжга айланади»⁶.

Миллат учун кейинги йўқотиш бу «Шашмақом» эди. Агар асар аввалидаги суҳбатдошларга эътибор берилса, улардан бири уста, бири Мадраса мударриси, бири муғанний (муסיқачи)лар эди. Ёзувчининг асар бошиданок, уларни бир жойда суҳбатдош сифатида тасвирлашдан мақсади энди ойдинлашади. Чунки танланган муаммо ана шу

⁵ Дилмурод Асад. Гирих (киссалар). Т.: Ёш гвардия, 1989. 53-бет

⁶ Каранг: Педагогика тарихи. Муаллифлар жамоаси. -Т.: Фан, 2001. 323-бет

экспозициядан бошланган. Уларнинг ҳар бири миллат учун жон фидо қилувчи сифатида тасвирланса-да, пировардида бири, ЧСБ муаллими, бири, горн чалувчи бўлиб кетади. Уста эса тасвир марказида турган қаҳрамон сифатида аста-секин уларнинг, бинобарин, замонанинг мақомига «йурғалай» бошлайди.

Бу билан асар қаҳрамонлари сохта ватанпарвар сифатида тасвирланган дейиш ноўрин. Адиб воқеликнинг давомий тасвирлаш мобайнида асл муаммонинг илдизи қаерда эканлигига урғу беради. Тасвирнинг ўзига хослиги шундаки, унда аниқ бир тарихий воқелик эмас, балки тўқима тарзида воқелар куроғи асосида тарихий муаммо масаласи очиб берилади.

Устанинг руҳий изтироблари асар якунланган сари ортиб боради. Маълумки, мамлакатдаги ўзгаришлар асирига айланган уста ўғлини ҳамкасбининг ўғли тахсил олаётган мактабга олиб борган эди. У Шамсиддинга ишонар, унинг ҳаракатларини мунтазам кузатиб борар эди. Шариат учун Қуръон қанчалар муқаддас китоб бўлса, ундан кейинги муқаддас китоб уста учун ўзи таърифлаганидек, Улуг сўз (ҳикматлар) эди. Гарчи уста асарнинг барча воқеаларини ўз кўзи билан кўрмаса-да, уларга гувоҳ бўлмаса-да, асар давомида эслатилган унинг Бухородаги иззат-обруйи барча қаҳрамонларнинг (ҳамкасбларини) у билан бевосита алоқалари асосига кўрилган. Бот-бот эслатилган обрў масаласи ҳам бежиз эмас. Чунки адиб ана шу нуқтани асарга қизил чизиқ сифатида ҳаракатлантирувчи асос қилиб олади.

Суҳбатлардан бирида замона хусусида сўз кетиб, ёш йигитларнинг каломуллони таҳқирлашлари изтироб билан ҳикоя этиб берилади.

«Жоме мачити кўпдан ёпиқлигини биласиз, - қисқа сукутдан сўнг мулла Аҳмад соқолини тутамлаганича давом этди. - Шунга қарамай имони басаломат бандалар муҳтарам домла Фазлуллоҳ билан,

бекитикча, оллоҳ назари теккан даргоҳга бориб туришарди. Кеча жумаи муборақда қарзимни шу зот билан бирга узиш умидида жомега бордим. Пешин олдида у киши айвондаги лавҳга Қуръони шарифни жойлаб кироатга берилдилар. Овозлари Айни шитобга кўтарилган маҳалида билакларига қизил латта боғлаган бир тўда ўсмир пайдо бўлди ва бири бора сола лавҳдаги китобни чунон тепдики, китоб анча жойга учиб бориб тушди»... «Билмадим. Сал алағдаман, кеча Шариф урфон сал учини чикарди, ҳали галл сўзга етармиш...»⁷.

Воқелик шу даражага бориб етадики, шаҳардаги неки илми урфон вакиллари бўлса, барчаси маҳкамага чақирилиб, сўроқ қилинади ва уларнинг ҳаракатлари доимий назоратда эканлиги, еҳтиёт бўлишлари, жамиятдаги янгиланишлар учун хисса қўшишлари уқтирилади. Асарнинг айни лавҳалари унинг воқеалар тизимидаги кулминацио» нуқта сифатида кўринади. Бинобарин, барча воқеалар бирлашиб фожеликлар занжир мисоли бир-бирини тўлидириб бораверади. Уста Ризонинг ўзи санъат даражасига кўтарган ҳунаридан (сополга зарб битиш) воз кечиши, бир сўроқ бергач, ҳатто имонидан кечган кимсаларнинг қисмати асарда ишонарли, айни пайтда тўқима сифатида эмас, реал воқеликлар каби жонли тил ва жонли воқеликларда ифодаланганки, бу ёзувчининг индивидуал маҳоратидан дарак беради.

Ёзувчи асарда миллатнинг маънавий таназзули масаласини олиб чиқар экан, унинг асосини четдан қидирмайди. Балки, бу изтироб, аламларга сабаб бўлгувчи асосларни ўзидан, ўз миллатдошлари ичидан излашга уринади. Ўтмишни маълум фактлардан воз кечиб қораламоқ қанчалар осон бўлса, уни ҳар қандай камчиликдан холи сифатида идеал этиб тасвирлаш ҳам шунчалар осон. Бироқ адиб бу йўлдан бормади. У гарчи аниқ фактлар билан иш юритмаса-да, Мир Араб мадрасаси

⁷ Дилмурод Асад. Гирих (киссалар). Т.: Ёш гвардия, 1989. 67-бет

тарихида юз берган фожеаларни асарга асос қилиб олади ва аниқ қаҳрамонлар такдири орқали тарихни қайта уйғотади.

Асарда Фаттоҳ Обидий образи бор. Кечагина дурустгина мулла бўлган бу киши кейинчапик қилмиши учун масжиддан ҳайдалган ва маҳалла ахлининг нафратига дуч келган эди. Бугун у бутун аламини олмоққа, оддий шариат ҳимоячиларидан кўрган аламини айнан шариатдан олиш мақсадида енг шимариб ишга киришади. Кўринадики, адиб бир воқеани тасвирлаш олдидан унинг ўтмишини ҳам айтиб ўтади ва уни асослайди. Миллат маънавий таназзулга юз бурган маҳалида миллат томонидан туриш ўрнига уни сотган Фаттоҳ Обидийга ўхшаш кимсалар томонидан халқнинг дурдоналари йўқ қилингани бугун аниқ.

Ёзувчи асарни илму-маърифат фидойиларининг шунчаки изтироби, оғриқли кечинмаларга бурканган мулзам ҳолида ташлаб якунламайди. Ҳеч нарсага осон етишиб бўлмаганидек, халқ ниҳоят ўзи шусиз ҳам муқаррар бўлиб турган исённи кўтаради. Аслида бу ҳаракат сал аввалроқ бошлаган эди. Уста Жамшиддиннинг уйига унинг дурдона китобларини ёқиб йўқ қилиш мақсадида ташриф буюрган Фаттоҳ Обидий у билан гап талашиб қолишади ва у менсимагандек Қуръонни ёқсам кўр бўламанми, худо урадими, дея можаро қилган ва устанинг имон ҳақидаги даъватларига қаҳ-қаҳ отиб кулган, Қуръонни эса уриб отиб юбораган эди. Шундан кейин уста оғилхонадаги янги кетмон сопти олиб чиқиб уни савалайди. Муқаррар уста маҳкамадагиларнинг нигоҳида, уни ўша кунийёқ олиб кетишади.

Асар воқеликлари динамикаси секин-аста ўсиб боргани сари ундаги йўқ қилинаётган моддиятлар, маънавий мулк ҳам ортиб боради. Асарга бежиз Мулк деб ном берилмаган. Адиб маънавий мулк билан бирга ўлка кишилари учун кадриятга эга бўлган имон мулки масаласита ҳам урғу бериш билан, бугунги кун кишиларининг ҳам атрофдаги олам,

миллат маънавиятининг гултожи бўлмиш инсонийлик, кадриятларга бефарқ бўлмасликка чақираётган бўлса не ажаб?

Биз мазкур бобдаги текширишларимизни умумлаштирган ҳолда қуйидаги фикрларни билдиришимиз мумкин:

-ҳар қандай бадиий асарда бўлгани сингари тарихий мавзуда ёзилган асарда биринчи галда инсон ва у билан боғлиқ масалалар биринчи планга чиқади;

-тарихий мавзуда ёзилган асарларнинг аксарияти маълум бир тарихий воқелик ёки тарихий шахснинг ҳаётини фаолиятини ёритишга қаратилган. Бироқ Асад Дилдмурод ижодида нафақат тарихий шахс ёки тарихий воқелик, балки тарихий-маънавий мулк масаласи ҳам қаҳрамон сифатида ёритилиши мумкин;

-“Мулк” қиссаси шунчаки бадиий қурилма асосига қурилган бўлса, унинг тили, ёритилган миллат колорити, менталитет масалалари ўзининг аниқлиги, изчиллиги билан эътиборли. Бу ёзувчининг бадиий маҳоратидан далолат берувчи хусусиятлардир.

II БОБ. ТАРИХИЙ АСАРДА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ

Миллий қадриятлар талқини масаласи адабиётнинг азалий ва абадий мавзуларидан бири сифатида эътиборли бўлиб келган. Шу маънода мазкур масаланинг бадиий асарнинг қайси тури ёки жанрида ифодаланишига кўра фарқлаш мумкин. Биз тилга олган тарихий асар мазмунида миллий қадриятлар талқини масаласини ўрганиш бироз мушкул. Яъни аввало, тарихий асар ўз специфик хусусиятларига кўра тарих ва унинг бадиий талқини масаласини бир асар атрофида ҳал этишга қаратилган. Иккинчидан эса унинг мавзу доираси қанчалар кенг бўлса имкониятлари ҳам шу даражада чегараланган. Шунга кўра тарихий асарда миллий маънавият масаларини тасвирлаш кейинги йиллар қиссачилигимизнинг шубҳасиз ютуғидир.

Асад Дилмурод қиссаларидаги ана шу хусусият унинг индивидуал ижод намунаси сифатида эътироф этишга сабаб бўлади. Шу ўринда тарихий қисса жанри қандай ўзига хос специфик хусусиятларга эга, деган саволга жавоб топиш лозим бўлади. Кузатишлардан шу нарса маълумки, унинг асосий жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, тарихий қиссаларда миллат ва Ватан тақдиридаги ҳал қилувчи муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеалар бадиий таҳлил учун асос қилиб олинади. Колаверса, олис мозийда кечган воқеа-ҳодисалар ҳам санъат асарлари учун бадиий-эстетик тадқиқотчилик маданиятини белгиловчи ҳаётий ҳақиқат бўлавермаслиги мумкин.

Иккинчидан, ҳар қандай зулм-истибдод кўринишларига қарши бош кўтарган, халқнинг орзу-умидларини, манфаатларини рўёбга чиқариш учун бошини тиккан, эзгулик, адолат гўзаллик, ҳақиқат сингари умумбашарий қадриятлар ҳимояси ва тантанаси учун умрини бағишлаган реал шахслар тарихий қиссаларнинг бош қаҳрамони бўлади.

Жаҳон бадиий тафаккурининг барча халқлар ва барча замонлар адабиётига мансуб тарихий қиссаларнинг етакчи қаҳрамонлари шундай хислат-фазилатлар соҳиби бўлиб келган.

Учинчидан, макон ва замон нуқтаи назаридан умумбашарий маънавий-ахлоқий, интеллектуал кадриятларни ёқлаган, ҳимоя этган ва уларнинг юзага чиқиши учун курашаётган реал шахсларнинг қайси белгиларига, жиҳатларига караб миллий мансубиятларини аниқдаш мумкин? Х,ар бир ижтимоий-тарихий тараккиёт боскичида уз миллати, ватани манфаатларини ёқлаган ва курашган реал шахсларнинг феъли-фаолиятига кура, эзгулик, адолат, гузаллик сингари башарий кадриятларга муносабати, нуқтаи назар#га кура миллийлиги намоён булади⁸.

Асад Дилмуроднинг «Гирх» киссаси учинчи хусусиятларга хос фазилатлари билан кейинги йиллар тарихий киссачилигини маълум бир боскичга кутарди. Ундаги танланган мавзу ҳам аввалги- «Мулк» киссасидаги каби миллий кадриятлар тақдири масаласига бағишланган. Факат бундаги тасвирланган давр биров янгирок. Яъни, агар «Мулк»да XX аср бошлари ҳаёти тасвирланган бўлса, бунда кейинги нисбатан янги давр - XX асрнинг 50-йиллари тасвирланган. Айтиш мумкинки, асар аввалги киссанинг мантикий давомидир. «Мулк»даги Шамсиддиннинг кейинги ҳаёти тасвирланган. Аввалги бобда эслатилган бир парчада ота ва боланинг суҳбати бўлиб утган эди. Унда отанинг армонли бир кайфиятда Тиллакори мадрасаси хусусида гапирганлари бор эди. Асарда уша Тиллакори мадрасасининг кейинги тақдири ва у билан боғлиқ тарзда Шамсиддиннинг кейинги ҳаёти каламга олинади.

⁸ Каранг: Раҳимжонов Н, Кубасев К- Тарихий киссалар ҳақиқат излайди. -Т.: Адолат, 2005. 79-бет.

Асар Шамсиддиннинг ота ховлида туриб алланечук хаёлга толган манзараси билан бошланади. Монолог тарзида муаллиф томонидан унинг уй-хаёллари келтирилади. «Максадим ягона: оку кора шундоқкина юзага калкиган бу кунда узи узидан йироклашаётган, вужудини рухига бегона килиб куяётган, окибатда, бу Дунё учун бебаҳо мерос калдирган аجدодлари имони ва эътиқодидан мункир келаётган жигарларимга саодат они нималигини англатмок холос», дейди асарнинг дастлабки манзарасидан.

Шундан англашиладики, муаллиф аввалги киссасида тилга олган кахрамонларининг кейинги хаётини курсатиш билан уларга ёнма-ён тарзда азалий мавзу ва манбанинг тақдирига ойдинлик киритмокчи булади.

Асарда хикоя килинишия, Шамсиддин улгайиб отасидан кейин унинг ишини давом эттирган, нафакат ишини балки у ишонган ва кадрлаб келган барча мавжудликларга ишонган холда изни-да давом эттиради. Ёзувчи асарда уста Жамшиддиннинг вафоти хакида ҳеч бир гап айтмайди. Балки айрим ишоралар - хусусан, угли Шамсиддиннинг хотиралари асосида унинг вафот этгани хакида билиб олишимиз мумкин.

Ёзувчининг махорати шундаки, у тугридан-тугри тасвирга утиб, ортикча тафсилга берилмайди. Укувчи ҳам тасвирлардан ёзувчининг муддаоси нима эканлигини илғай олади. Асарда ёзувчи аввалги асарда эслатилган авлоднинг кейинги вакиллари хаётига мурожаат этган. Бундан узига хос муддао булиши табиий. Сабаби, катта авлод томонидан эъзозланган ва кддрланган эътиқоднинг кейинги авлод томонидан нечоғли кадрланиши масаласи албатта эътиборлидир. Ёзувчи ҳеч қандай саволга урин қолдирмай ана шу масалани қаламга олади.

Реалистик тасвир имкониятларига кура ёзувчи Шамсиддинни отаси уста Жамшиддин урнида тасвирлайди. Онди у ҳам оилали. Бир эмас, уч угилнинг отаси. Бир вақтлар отасини изтиробга солган саволлар энди уни кийнайди. Катта ва уртанча угли (Аслиддин ва Қиёмиддин) ота касбидан воз кечиб, узини турли сохаларга уриб кетган. Устанинг умиди кичик угли Гайбиддиндан. Гайбиддин ота-боболари меросига бефарқ эмас. Унинг ҳам калбида отаси сингари санъатга, миллий меросга эътибор кучли.

Шамсиддин ва хотини Муслиманинг суҳбатини олиб курайлик:

-Менга нима кипти?

-Сизгами? А-ай, куйинг! - жиндай сукут саклаганидан кейин Муслима бидирлади. - Сизни ундай ҳам, бундай ҳам деёлмайман. Галатисиз. Гайбиниям жинни килаёздингиз. Бир ёкда укиши чала... Анови найнов Расул хм узингизга ухшаган. Иложини топса кечасиям кошин улгурни бошига ёстик килиб ётса!..» ёки

-Шу... анови китобларни нима балоси бор?

-Нимайди? - илқис угирилди уста.

- Гайбиддин нукул ушаларга уралашади, - Муслима дастурхон попугини чимчилогига уради. - кечалари хонасида чирог учмайди. Ов, бола, домлаларинг бергани уки, эрта бу дардисарларни сурамас, десам, яна мик этмай ушаларга ёпишади.»⁹

Суҳбатда шу нарса аён буладик, она углининг эндиликда эскириб бораётган хунармандликка уралашиб, айникса отаси ва бобоси эътикод куйган китобларга уралашиб колганидан хуноб. Ёзувчи қахрамонларнинг феъли-сажиясидаги карама-каршиликларни атайин танлаб олмайди. Балки замонанинг зайлига кура тасвирлайди. Бу тасвирлар эса укувчида шубҳа уйготмай, балки ишонтиради. Айтиш

⁹ Дилмурод Асад. Гирих (киссалар). -Т.: Ёш гвардия, 1989. 151-бет

керакки, махоратли ёзувчининг бир суз ёки ишора билан муайян ҳолатни тасвирлай олиш имконияти мавжуд. Ҳамма гап ана шу имкониятнинг ишга сола билишда. Асад Дилмурод уста ва унинг хотини уртасидаги суҳбатга батафсил тухталиши шундан далолат. У суҳбатни миридан-миригача бермайди. Аксинча, айрим лавҳаларда ишора орқали - бир ҳаракат ёки бир суз билан ифодаб беради. «Мулк»нинг якунида уста Жамшиддиннинг китоблари даҳрийлар томонидан утга таглангани эслатилган эди. Жон талвасасида сакланиб қолган айрим китобларгина уларга мулк сифатида теккан ва улар ҳам она томонидан таъкикланаётган бир ҳолатда Гайбиддиндаги уларга бўлган меҳр эътирофи.

«Тарих туйғуси уни билишни такозо этганлиги учун керак эмас, балки уни ҳурмат қилиш ва урганиш учун ҳам зарурдир. Бу борада адабиёт катта қучга эга»¹⁰ деб ёзади Гегель. Шунга қаради адиб асарни барча бажариши лозим бўлган ишлар қаторида ҳис қилиб ёзмайди. Уни астойдил англаб, урганиб ёзадики, бу қаҳрамонларнинг характер тадрижи ва воқеликнинг динамик таракқиётида ҳам қуринади. Масалан, ҳар бир қаҳрамон зиммасига алоҳида бир вазифа юкланган. Биргина Гайбиддин образи нафакат асардан асарга утаётган авлодлар давомчи вазифасини эмас, бутун бир халқнинг маънавияти тимсоли ҳамдир. Анъанавий уқлик - уста Жамшиддин-уста Шамсиддин ва уста Гайбиддин - бутун бир авлоднинг уқ қориси ва уқ қорисдан утиб қелаётган миллий ҳунармандчилик, миллий маънавият. Қуринадики, адиб асарни ёзмайди. Балки бутун бир қолтанда миллиятнинг тақдирини қизади.

Асарнинг иккинчи қисмидан асарга Маъруф Афзалович образи қириб қелади. У архитектор олим. Лекин адиб уни тезда китобхона

¹⁰ Гегель Ф. Эстетика. В 4-х томах. Том 2. -М.: Искусство. Стр. 245

таништириб утирмайди. Вокелар давомида у ҳақда бир оз тухталиб утади, холос. Маълум булишича, Хивадаги бир обидани таъмирида катнашгач, казо-казолар билан Регистонни айланаётиб, Тиллакорини куради ва уни таъмир этиш учун лойихани узи бажариши учун ваъда бериб, уни «барча тегишли тешик-тиркишлардан силликина» олиб чиқкач, у айланиб келиб уста Шамсиддиннинг кулига тегади. Асарнинг номланиши анна шунда ойдинлашади. Негаки, Тиллакорининг асосий нақшлари Ислими ва Гирих туркумидаги нақшлар эди. Бирок, Маъруф Афзалович тақдим этган лойиха обиданинг оригинал композициясига тамоман путур етказиши, унинг азалий маҳобатини йукка чиқариб, жун бир обидага айлантиришини уста сезиб, бу лойихага қарши чиқади.

Асарнинг конфликтини ташкил этувчи тарихий обдани узидай саклаб қолишга интилаётган уста Шамсиддин ва лойиха-таъмир институт ходимлари уртасидаги зиддият асарни асосий ҳаракатга келтирувчи чизикдир. Бундан ташқари уста Шамсиддиннинг уз оилавий ички ҳаёти ҳам борки, бунда ҳам узига ҳос зиддиятлар мавжуд. Хусусан, Гайбиддин билан боғлиқ можаролар. Яъни унинг уйланиши масаласи. Ҳар икки воқелик асарда параллел тарзда давом этади. Улар гарчи бир-бирини инкор этувчи икки хил воқелик бўлсада, бир одам - уста Шамсиддин билан боғлиқдир. Жамила (устанинг болалик дуси Иброҳимнинг кизи - Гайбиддиннинг қайлиги) ва Гайбиддин уртасидаги ишқ можароси ҳам асарнинг бошқа воқеликларига маҳорат билан уланиб кетган. Айни шу жойдан, яъни асарнинг 3-бобидан бошлаб Гайбиддиннинг ишқ можароси тасвири бобошланади. Ички драматик таранглик, Гайбиддин-Жамила-Расул Усмон (Гайбиддиннинг дуси) образларининг анъанавий учлик сифатидаги талқини асарга узига ҳослик бағишлаган. Чунки Жамилага қунгил қуйган Гайбиддин уни зимдан дустидан рашқ қила бошлайди. Шоиртабиат Расул Усмонни

тилга олиш билан унинг ахволини суриштирган киздан шубхаланиб қолади. Аслида бунинг шунчаки муносабат эканлигини билгач, хотиржам бўлади. Бирок 4-бобда икки дустнинг суҳбати эътиборли. Бу суҳбат асарнинг асосий қаҳрамонларининг кейинги қадамларини бекелгилаб бериши билан ахамиятли:

«- Йук, сен яхшилаб эшит, мен факт сенинг эрта-кеч отанг ёнида Гирихга сизинишининг ёки узимнинг тунлари шам ёкиб калам билан юрагимни тукишимни айтмоқчи эмасман. Биз бу юмушларни уз хохишимиз билан адо этамиз, демак - бунда на зероки, на қариш!»¹²

Қуринадики, муаллиф қаҳрамонларни шунчаки танламаган. Уларнинг характер тузилишидаги бир-биридан йироқлик гуё бир-бирини тулдиради. Шу боис ҳар икки қаҳрамон уртасидаги муносабатлар самимий, бегубор ва Айни пайтда асар ҳақиқатларини юзага чиқарувчи вазифасини утайди.

Асарда муаллиф Яна бир усулни қўллагани, бу асар воқеликлари ичига ривоят қиритиш усулидир. Маълумки, жаҳон ва ўзбек адабиёти тажрибасида бу каби изланишлар қўлаб қўзатишган. Масалан, Ч.Айтматов, А.Қаҳҳор, У.Ҳўшимов сингари адиблар ижодида бунга қўлаб мисоллар қелтириш мумкин.

Асад Дилмўрод қисса воқеалари таркибига унинг мазмунини узида тўпа ифода этувчи ривоят - «Гирих» ҳақидаги ривоятни қиритади. Маълум бўлишича уста Шамсиддин углига бир қитобни тутқазади.

Қитобда турли ривоят ва афсоналар жамланган бўлиб, улар ичида айниқса, «Икки наққош» ҳақидаги ривоят Гайбиддинни мутаассир қилади. Ривоятда қелтирилишича Арслонбек наққош ва Болимбек наққош иккиси ҳукмдор илтимоси ва талабига қўра бир саодат уйи қўрмакка қиришишади. Ҳукмдор шундай шарт қўйган эди: шарт шуки, унда «бурун бирон элу элатда қўз қўрмагон нафис безаклар ила

беагайсиз, токи хали ҳеч ерда анингдек мақомдаги булмагонини эътироф этсунлар»¹¹. Унинг учун неки харажат булса ҳукмдор беражагини таъкидлайди. Шундан сунг икки уста ишга киришиб кетадилар. Бино битганидан сунг барча аркони давлат хамроҳлигида усталар бинони ҳукмдорга курсатишмоқчи буладилар. Шунда иморатнинг бахайбат эшиклари узи-уздан ёпилиб, уларни ичкари киритмайдилар. Бундан мулзам булагн икки уста узлари яратган умрбокий зеб-зийнатларни куришдан мосуво буладилар. Аникроги қандайдир бир илохий куч бино эшикларини бекитиб олади.

Ҳар икки уста ҳам узича узини айблаб қайсидир гуноҳларимиз учун берилган жазодир, деб уилашади ва яширикча юртдан бош олиб чиқиб кетишни режалаштиришади. Кетишдан олдин уста Арслонбек бир кеча бир узи яна қайта бинога боради. Эшиклар унга йул берадилар. Бино уртасига келиб, тиз чуқиб, уз гуноҳларини мағфират қилишни худодан илтижо қилиб сураганида, бино ичидан садо келади: «Эй устаи бузрук, саодатмандлиг ато этадургон мулки муборакга хуш келибдурсиз! Чехрангизда ранж аломатини курадурмен, нетонг, ранжият чекмоқликга ҳақлидурсиз. Ахир, не бедодлиқким, узингиз ёдгорликга ҳамда менга курикбон айлаган эшик сиздек ашрофни маломатга йуликтирибдур... Уста мен - Гирих! Озрок шикаста сузлаётирман. Танимда бир оғрик бунга боисдур... Уста, Болимбекка суяндингиз, кадри ила иззатини баланд тутдингиз. Сиз, юмуш ила машгул, ҳеч нимани сезмасдингиз. Бу орада ул бошингизга маломат тошини ҳам отибдур, онинг акди қосир, хунари сактадур, деб утриқ таркатибдур. Курдики, хануз гафлатдадурсиз, сунг у узидан тамом кетди, подшолигдан

олингон тиллодин онча қисмини чегириб, урнини эритилгон мис ила қоплпбдур... Эсларсиз, уста Ёфас углон хунарингиздин иштибоҳ

¹¹ Дилмурод Асад. Гирих (қиссалар). -Т.: 1989. 194-бет

килгонда сиз они кайригонсиз, дегансизким, иморатга андок накшлар чекурмиз, ул дуне тургунча тургай. Ул ваъдадир, интихо узга. Асло умид килмангиз, асло онча яшамасмен, танимга урнашгон мис жоним ва сабримни кемирадур...»¹² Уста гафлатда колгани англаб укинади. Чунки дустининг кизи Биби Нозик билан угли Алп Камонни бир-бирига унаштиришган, якин орада туй-томоша билан уларнинг никох туйларини утказмокка ният килишган эди. Бирок жондай дустини и айблашга, бинобарин, унинг ортидан фарзандларининг такдири уни ташвишлантиради. У хам иккиланиб колади. • Афсуски, унинг илохий кудрат ила тилга кирган«накш билан сузлашганини эшитиб турган Болимбек аллакачон узга юртга бош олиб кетган эди. Натижада уста Болимбекнинг нафси аммораси туфайли икки ёш хам айриликка хукм этилади.

Муаллиф мазкур ривоятни келтирар экан, унинг мазмунидаги гояни киссага асос килиб олади. Ундаги уста Арслонбек мукояса сифатида уста Шамсиддинга мензалса, уста Болимбек Маъруф Афзалович сифатида буй курсатади. Бири - авлодларга куркам, аждодларининг бутун закоси ва фасохатини жамлаган обидани аслича саклашга уринса, бири даврнинг тақозосига кура мавкеидан фойдаланиб, нафснинг туткуси билан аждодларнинг закосига карши, бинобарин, авлодларнинг истагига карши боради.

Манбаларда келтирилишича «И с л и м и ва Г и р и х накш туркумлари шарк меъморчилигининг энг кенг таркалган, Айни пайтда яратиш кийин булган туридир»¹³. Масалан ислими накшларидан шарк меъморчилигида асосан пешток ва эшиклар ички кисми тепа томонини безашда ишлатилган. Бунинг сабаби оташпаратслик дини булиб, эшикдан кирувчининг бутун ёмонликларини ана олов тили накшлар

¹² Дилмурод Асад. Гирих (киссалар). -Т.: 1989. 199-200 бетлар.

¹³ УМЭ. -Т.: Ўзбекистан, 2000. 346-бет

узига олиб қолиши назарда тутилган. Гирих нақшлари эса ислом дини таъсирида пайдо булган булиб, улардан асосан, шифт ва деворлар беъзаги сифатида чекилган, уларга баъзан нақшлар оралатиб, Куръон оятлари битилган, баъзида эса нақшлар араб алифбоси харфларини эслатувчи чизиклар келтирилган. Шарк, айникса, Регистон ансамбли мадрасаларини беъзатишда асосан, ана шу нақдшардан фойдаланилган.

Кисса бир кадар рухий изтироблар, кечинмалар, кахрамонларнинг ички рухий галаёнлари асосига курилган булиб, асарни марказий ук сифатида ушлаб турган асосий конфликт ҳамда мулокот уста ва унинг угли, уста ва Маъруф Афзалович, уста ва наққош Болимбек, шунингдек уста ва тарих уртасида булиб угади. Муаллиф асарга аниқ бир сюжет линиясини* танламайди. Гуё асар пароканда туйгулар йигиндисига ухшайди. Аини жихати билан у аралаш сюжетли асар сифатида эътирофли. Сабаби бир чизикда кечувчи воқеликни асардан топиш кийин. Шунга кура кахрамонларнинг ҳаракати ҳам ҳаёлий кечади.

Албатта, адиб бир авлодни таънаи дашномга қолидириб, бир авлодни кукка кутариб макташ, яъни тарихни бир томонлама талкин этишдан кочади. Қадимда машхур уста булган, эл орасида танилган кишиларнинг фарзандлари ичида фақат уста Шамсиддингина отасининг аъмолини давом эттираётгани йук. Гарчи бу ишни оталаридек амалга оширмаётган булишсада, аждодларига ухшамаганидан уқинувчи авлодлар ҳам асарда келтирилади. Уста Шамсиддиннинг қошинпаз уста Курбоннинг угли уста Фаттоҳ билан суҳбати шу маънода кечади:

«- Нечун индамайсиз, ошна? - уста Фаттоҳ пешонасига тарам-тараи ажин тортилди. - Кани, бир уйланг, бу ҳунар куни бугун кимларга қолган!?

Уста Шамсиддин, елкасига тоғ тунтарилгандек, яна чурк этмади.

- Менгами? - деди уста Фаттох кукрагига нукилаб. - Шунча дакир-дукур менинг зиммамдами? Эвох, ахир, мен рахматли падарим уста Курбоннинг тирногига хам арзимайман-ку!»¹⁴

Ушбу сухбатдан ҳам куринадики, муаллиф тарихий воқелик, ҳатто қаҳрамонлар талқинида ҳам бир ёқламаликдан қочади. Маълумки, адиб тарихий мавзуда қалам тебратар экан, аниқ фактларни билмасдан, ёки улар ҳақида маълумотлар жавламасдан туриб, бирор асарни бошламайди. Айни пайтда бу қаби ёзилган асарлар ишонарли қилмаслиги мумкин. Лекин Асад Дилмурод маълум бир тарихий фактларга суянмай туриб ҳам тарихий асар яратиш мумкинлигини ўз ижоди билан исботлай олди, дейиш мумкин. Бунинг боиси биринчидан, асарда аниқ бир тарихий воқеликнинг йўқлигидир. Гарчи тарихда Регистон ансамбли, умуман юртимиздаги қадимий обидаларни таъмирлаш мақсадида, уларни жунлаштириш, яъни ўзқ аслардан бери ҳал томонидан ардоқланган кадриятларнинг моҳияти қечлаш борасида ишлар олиб қорилган бўлса-да, муаллиф асарда бирор-бир прототипнинг ҳаётида қечган воқеаларга суяниб суз юритмайди. Унинг учун биргина шу тарзда ишлар бақарилгани, унинг оқибатида эса миллий обидаларимиз ҳуснига путур етқазилгани, нақат ҳуснига, балки уларнинг моҳиятига ҳам путур етқазилганининг ўзи қифоя.

Уста Шамсиддин Маъруф Афзаловичга сузи утмаслигини, аникроги у билан тортишишнинг фойдаси йуклигини билгач, марказга - Тошкентгача бориб Тиллакори мадрасаси учун тузилган тархни йукка чикармок илинжида ҳаракат килади. Бирок уста Иброхим айнан Маъруф Афзалович тархи асосида обидани таъмирлашга киришади. Жунлашган, шунчаки чизиклар тарзида, геометрик шаклларни эслатувчи нақшлар билан унинг пештокини безашга киришади. Бундан

¹⁴ Дилмурод Асад. Гирих (киссалар). -Т.: 1989. 199-200 бетлар.

уста Шамсиддин каттик ранжийди. Бу албатта унинг угли Гайбиддинни ҳам эътиборсиз қолдирмайди. У севгилиси Жамиланинг сиймосини аждодларининг гузал яратиги Гирихда куради. Унинг маънан бой қалби аждодлар мероси билан бирга бугуннинг энг яхши янгиликларини эгаллашга ҳаракат қилади. Манна унинг бу борадаги уйлари:

«...биз узимиз билмаган ҳолда зур кашфиёт яратгандирмиз, таъмир тарихида гуллаб-яшнайдиган давр очгандурмиз. Ҳар ҳолда ҳозирча ҳовликмаган маъқул, шубҳасиз ҳали топилдигимиз билан қушиб қандайдир чоҳга қулатмоқчи бўлишади, лекин уларга оғзидаги ошини олдириб қуядиган қуядиган нодон қайда...»¹⁷.

Парчадан маълум бўладики, уста Шамсиддин ва унинг угли Гайбиддин Гирихнинг аслиятини топишга эришади. Уни Тиллакорининг беағи учун ишлатишни орзу қилишади. Отасини Тошкентдаги даргоҳларга бош уриб бориши ҳам беғиз эмас, чунки, у ҳам азалий орзунини рўёбга чиқаришни истайди. Асарда Гирих образ даражаси кутарилган ва уста билан у ҳам гоибона тиллашади. Қўнгли пок, соф тийнатли уста Шамсиддин Гирихни коғозда қайта тирилтирган қўнни шўни аңғайди: «Ҳосиятли қўнда - муқаддас коғоз юзасидан жилмайиб қарагандай Гирх узига чексиз умид боғлаганини устатеран тўйган эди. Авваламбор Гирх шў қўнни узини аңғайди, ривоят қўбигидан ёриб қикқанини билди, ҳудди минг йиллар аввалгидек...»¹⁵.

Бир қарашда асар биргина уста Шамсиддин билан боғлиқ воқеликлар асосига қўрилганидек. Лекин маълум бўладики, адиб шў бир образда бутун халқнинг фидойи сиймосини сінгдиради. Оддий ривоятда қайд этилган, бироқ даврлар утиши билан халқнинг эсидан қикқан аңъаналар у томонидан яна халққа қайтарилади. Бу осонлик билан бўлмайди, албатта. Ёзувчи жамиятни ёппасига руслаштириш

¹⁵ Дилмурод Асад. Гирх (қиссалар). -Т.: 1989. 210 бетлар.

сиёсати окибатини бир миллат такдирида очиб беришга уринар экан, миллат маънавиятига чанг солмокчи булаётганлар билан рухан урушга чикади. Энг ачинарлиси бу сиёсатни уйлаб топганлар бошка, уни амалга ошираётганлар бошка. Ёзувчи наздида миллат ифтихори ва эътиқодига барча бирдай масъул. У бир кишининг ёки бир гуруҳнинг иши эмас. Бу борада Ушбу мисол уринли. Уста Шамсиддин бир масъул рахбар хузурида у билан суҳбат килиш лавҳаси шундай келтирилади:

«- Ҳар иморат кухнами, янгими, уз заминига эга булиши керак.

-Кизик, - ҳаёлга толди хона соҳиби. -... .узи Тиллакори канака иморат?

-Кечирасиз, - деди уста мингирлаб, - Тиллакори канака иморатлигини гапириб беришим кийин...» еки «- Ху-уш, - деди кейин чузиб, жиндай сукутга толди, - менга тушунтиришларича, Маъруф Афзалович тарҳига кура таъмирда тилла ишлатилмас экан. Сиз тикиштираётган тарҳга кура эса акси...

Уста ғашланди: «Нега тикиштираар эканман?»

- Кечирасиз, - у сал қисиниброқ ғудранди, - ҳали камина ҳар бир иморат ўз заминига эга булишини эслатдим. Тиллакорини тилласиз... кулгили, хаттр шармандали! Агар Маъруф Афзалович йуриги билан иш тутилса, бу -кийикка жайра либосини кийдириш билан тенг!»¹⁹.

Парчадан икки хил маънони уқиш мумкин. Ёзувчи тасвир аввалида биргина накқшинг такдири ва унинг Тиллакори мадрасасини⁵езашдаги урни хакида суз юритган булса, мана шу суҳбатдан кейин, уста Шамсиддинга нима учун ҳукуматнинг қаршилиги тушунилади. Гап шундаки, Гирих накшининг бутун таровати унга кушиладиган тиллададир. Айнан Тиллакори мадрасасида Гирих энг куп кулланган ваз у сабаб у Тилла билан хал берилган, зийнатланган дея Тиллакори номи билан аталган.

Аввал таъкидлаганимиздек, асарда бир канча ютуқлар кулга киритилган. Лекин ҳар қандай адабий ҳодиса тақдирида кутарилиш билан сусайиш ҳолати ҳам руй бериши кузатишлардан маълум. Шу маънода, ёзувчининг қарашлари бир томонламалик қасб этиб қоладики, уни айтиб утмай бўлмайди. Биргина обиданинг тақдири биргина миллатнинг тақдири бўлмаслиги шубҳасиз. Шунингдек, бир миллатнинг осори-атикаси унинг орияти қадар бўлиши ҳам табиий. Аммо, масалага ёндошишда, уни ёритишда уй-кечинмалар тарзида ёндошиш адибни бир қаоар чеклаб қуйган.

Айрим уринларда муаллиф тасвирни ёритишдан ҳам қурасузбозликка берилиб кетган. Бу эса уқувчини толиқтириши, зериктириши мумкин. Зеро Н.Г.Чернишевский таъкидлаганидек, «...агар асарда тасвирдан қура тавсиф қузилиб кетса, бу маҳорат белгиси эмас. Аник, бадий бўёқдорлик бадий асар тилининг биринчи белгисидир»¹⁶.

Асад Дилмуроднинг қиссада олиб қиккан муаммоси умумжаҳрний муаммо эканлиги шубҳасиз. Шу маънода адибнинг асарда тасвирдан қура тавсифга берилиб кетишини индивидуал услуб белгиси сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Чунки мавзунинг қулами баъзи уринларда қиндан ҳам шуни тақозо қилади. Масалан, унинг ҳаёлан Гирих билан суҳбатлашишлари айни уринда мунгли бир садодай асарга узига ҳос жозиба бағишлайди.

Гайбиддин санъат институтининг битирувчи босқич талабаси. Лекин у институтга бўрмай қуйганига анча бўлган. У маъшуқаси Жамила билан ҳам анчадан бери қуришмай қуйган. Бунинг сабаби битта - у ҳам бўлса отасининг раъйи билан Жамила сари қуйилган совчининг қелмай қуйгани, Яна ҳам аникроғи, ота-боланинг бир дард - Гирих

¹⁴ Чернишевский Н.Г. Поли. собр. сочинение. -М: Искусство, 1978. стр. -34.

дарди билан ёнзётганларидир. Ёзувчи Гайбиддин образини шу кадар мураккаб тарзда ёритганки, бир карашда унинг маслак-муддаоси нима эканлигини тушуниш кийин. Аммо бир неча боблардан кейин масалани юзага олиб чиқади ва туга лечим сифатида ифодалайди. Гайбиддин отасининг касбини давом эттиришни ихтиёр этса-да, унинг уз кунгли, дунёси бор. Севиш ва севилиш бахтига эришган булса-да, узини хар хил хаёлларга банди, галати тутиши билан кизнинг ҳам кунгилини бир оз ташвишгасолган...

«- Сиздан упкаламайман-у, асли узим гофилман. Шу махалгача сизни тушунмабман. Панадан панага кочишингизга эътибор килмабман. **Киздамас**, йигитда ҳам ноз бор, деган беъмани хаёлни килибман. Энди билсам... дахшат!»¹⁷.

Гайбиддин гарчи кизга ошик булсада, чиндан ҳам отасининг сузидан чиқа олмаган эди. Аввалги киссада уста Иброхимнинг кизи сифатида унинг бобоси Шариф Урфон томонидан Гайбиддиннинг бобокалонлари саклаб келаётган китоблар ёкилгани эслатилган эди. Шу боис уста Шамсиддин углининг раъйига карши иш тутган эди. **Киссада** келтирилган ривоят бир томондан асар номи ва мазмунини намоён этса, бир томондан ундаги кисматлар киссадаги қахрамонлар кисмати каби олингани сезилади. Ривоятдаги Алп Камон ва Биби Нозик тақдири каби асардаги Гайбиддин ва Жамила ҳам оталарининг узаро зиддияти туфайли бир-бирига етиша олмайдилар. Жамила Гайбиддин айтиб берган ривоятдан таъсирланган, айникса унга Алп Камон ва Биби Нозикларнинг интизорликда утганлари каттик мутаассир килган эди. Шу боис у «Маъшука» портретини ишлаб уз шахсий кургазмасида намоиш эттиради. Куринадики, асарнинг[^] барча қахрамонлари

¹⁷ Димурод Асад. Гирих (киссалар). -Т.: Ёш гвардия, 1989. 233-бет

санъатга бегона булмаган, уни нозик тушунган, нафакат тушунган балки уни яратувчиларидандир.

Асарнинг якунида нихоят уста Шамсиддиннинг ташаббуси билан марказдан тафтишчи келади. Тафтишчи ҳам санъат ахлидан. У билан устанинг асарнинг якунидаги суҳбати эътиборли. Суҳбат жонли тарзда укувчини беихтиёр асар давомида эзиб келган тушукун кайфиятдан чиқарар тарзда берилганки, бу муаллиф томонидан атайин уюштирилгани шубҳасиз чунки асар давомида кахрамонларнинг бирор ерда яхши кайфиятда курмайсиз. Шунга кура финалдаги кайфият ёзувчи томонидан яхши тасвирланган. Пулат Рахим Архитектура ва курилиш института директори сифатида можарога айланган икки тарх - Маъруф Афзалович ва уста Шамсиддин тархдарини урганиб, маъкулини танлаб бериш учун ҳукумат томонидан сайланган эди. У уста шамсиддин билан самимий суҳбатлашади:

«- Биродари азиз, - деди у анчадан кейин салмоклаб, - мен буларни курдим, на узимни, на ҳукумат чунтагини уйладим, кайгурганим факат шу иморат ва Гирих!

-Сиз Тиллакорини хар гиштигача биларкансиз.

-Бунга одам умри етмас-ов!

-Эринмай урганибсиз.

Эринсак... яхшимас. Бардош ҳам ордай гап»¹⁸

Берилган парчадаги суҳбат асносида адиб кахрамонларнинг дунёкарашига ҳам ургу беради. Яъни, хар бир сузни уларнинг характериға мослаб танлайди. Масалан, уста Шамсиддиннинг «Бардош ҳам ордай гап», деган жумласи бутун асар давомида уста билан боглик барча тасвирларға ойдинлик киритади. Келишувға биноан Пулат Рахим уста Шамсиддинга бир оз узгартирилган тархни юборади ва комиссия

¹⁸ Дилмурод Асад. Гирих (киссалар). -Т.: 1989. 243 бетлар.

карорига биноан уни маъкул топтиришга эришганини баён этади. **Кисса** марказий кахрамон - уста Шамсиддиннинг сунгги кунларини тасвирлаш билан якунланади.

Асад Дилмурод «Гирих» киссасида XX урталарида яшаган аждодларимизнинг уз миллати шаъни ва ори учун курашган мардона ишларини каламга олган **Кисса** ана шу аждодларимизнинг шарафига айтилган марсия сингари махзун бир кайфиятда ёзилган.

Биз мазкур бобдаги кузатишларимизни умумлаштириб куйидаги хулосаларга келдик:

- «Гирих» киссаси аник бир тарихий факт асосида ёзилмаган. Ундаги вокеликлар XX асрнинг урталарида булиб утади. Асар «Мулк» киссасининг мантикий давоми сифатида унда келтирилган кахрамонларнинг кейинги авлодлари билан руйберган вокеликлар асосида яратилган. Ёзувчи мазкур киссани кечинмалар тарзида, айрим уринларда эса диолог ва монологлардан фойдаланиб яратган. Ушбу жихатларига кура киссани аралаш сюжетли кисса деб аташ мумкин;

- кисса кахрамонларининг тақдирини ёритишда асос сифатида ёзувчи утмиш вокеликларига алоқадор «Икки наққош» ривоятини келтирадики, мазкур ривоятдаги кахрамонлар бошидан кечирган воқеалар киссада бошқа кахрамонлар мисолида айнан такрорланади. Адибнинг маҳорати шундаки, у ривоятнинг мазмунини киссага сингдириш билан бирга ундаги кахрамонларни ҳам айнан танлайди;

- «Гирих» киссаси тасвирнинг моҳияти жихатдан ҳаёлий-фантастика шаклида ёзилган булиб, ёзувчи томонидан ҳаётий вокеликларга бот-бот яқинлаштириш орқали соф фантастик жанр қирраларинигина саклаб қолган;

- **Кисса** мазмунига кура гарчанд тарихий мавзуда ёзилган бўлса-да, унинг воқеалар тизими бу даъвони туда қамраб олмайдди. Унга

танланган объектгина тарихий, холос. Давр курунишлари ва лисоний элемент^ар кахрамонлар учун хам муаллиф учун хам бир хил тарзда танланган булсада, асарнинг мазмун-мохияти дан келиб чикиб уни тарихий-замонавий кисса деб аташ мумкин.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Миллий кадриятлар талкини масаласи адабиётнинг азалий ва абадий мавзуларидан бири сифатида эътиборли булиб келган. Шу маънода мазкур масаланинг бадиий асарнинг қайси тури ёки жанрида ифодаланишига қура фарклаш мумкин. Биз тилга олган тарихий асар мазмунида миллий кадриятлар талкини масаласини урганиш бироз мушкул. Яъни аввало, тарихий асар уз специфик хусусиятларига қура тарих ва унинг бадиий талкини масаласини бир асар атрофида хал этишга каратилган. Иккинчидан эса унинг мавзу доираси канчалар кенг булса имкониятлари хам шу даражада чегараланган. Шунга қура тарихий асарда миллий маънавият масаларини тасвирлаш кейинги йиллар киссачилигимизнинг шубхасиз ютугидир.

Асад Дилмурод киссаларидаги ана шу хусусият унинг индивидуал ижод намунаси сифатида эътироф этишга сабаб булади. Шу уринда тарихий кисса жанри кандай узига хос специфик хусусиятларга эга, деган саволга жавоб топиш лозим булади. Кузатишлардан шу нарсa маълумки, унинг асосий жихатлари қуйидагиларда намоён булади:

Биринчидан, тарихий киссаларда миллат ва Ватан такдиридаги хал килувчи мухим ижтимоий-сиёсий ахамиятга эга булган воқеалар бадиий тахлил учун асос килиб олинади. Қрлаверса, олис мозийда кечган воқеа-ходисалар хам санъат асарлари учун бадиий-эстетик тадқиқотчилик маданиятини белгиловчи хаётий хақиқат булавермаслиги мумкин.

Иккинчидан, хар кандай зулм-истибдод қуринишларига қарши бош қутарган, халкнинг орзу-умидларини, манфаатларини руёбга чиқариш учун бошини тиккан, эзгулик, адолат гузаллик, хақиат сингари умумбашарий кадриятлар ҳимояси ва тантанаси учун умрини бағишлаган реал шахслар тарихий киссаларнинг бош қахрамони булади. Жахон бадиий тафаккурининг барча халқлар ва барча замонлар

адабиётига мансуб тарихий қиссаларнинг етакчи қаҳрамонлари шундай хислат-фазилатлар соҳиби бўлиб келган.

Учинчидан, макон ва замон нуктаи назаридан умумбашарий маънавий-ахлоқий, интеллектуал кадриятларни ёқлаган, ҳимоя этган ва уларнинг юзага чиқиши учун курашаётган реал шахсларнинг қайси белгиларига, жихатларига қараб миллий мансубиятларини аниқлаш мумкин? Ҳар бир ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичида уз миллати, ватани манфаатларини ёқлаган ва курашган реал шахсларнинг феъли-фаолиятига кура, эзгулик, адолат, гузаллик сингари башарий кадриятларга муносабати, нуктаи назарга кўра миллийлиги намоён бўлади. Ушбу хулосаларга адиб асарларини текшириш, ўрганиш жараёнида келинган бўлиб, ушбу асарлардаги тарихий муҳит ва шароитнинг тасвири бир хил эмаслиги ҳам икки хил муҳит ва шароитнинг тасвирида адибдан оригиналлик талаб этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Биз мазкур БМИда адибнинг тарихий қиссаларини текширар эканмиз, ушбу текширишларимиз ва кузатишларимизни умумлаштириб қуйидаги хулосаларни баён этмоқчимиз:

-ҳар қандай бадиий асарда бўлгани сингари тарихий мавзуда ёзилган асарда биринчи галда инсон ва у билан боғлиқ масалалар биринчи планга чиқади;

-тарихий мавзуда ёзилган асарларнинг аксарияти маълум бир тарихий воқелик ёки тарихий шахснинг ҳаётини фаолиятини ёритишга қаратилган. Бироқ Асад Дилдмурод ижодида нафақат тарихий шахс ёки тарихий воқелик, балки тарихий-маънавий мулк масаласи ҳам қаҳрамон сифатида ёритилиши мумкин;

-“Мулк” қиссаси шунчаки бадиий қурилма асосига қурилган бўлса, унинг тили, ёритилган миллат колорити, менталитет масалалари

Ўзининг аниқлиги, изчиллиги билан эътиборли. Бу ёзувчининг бадиий маҳоратидан далолат берувчи хусусиятлардир.

- «Гириҳ» киссаси аниқ бир тарихий факт асосида ёзилмаган. Ундаги воқеликлар XX асрнинг урталарида бўлиб ўтади. Асар «Мулк» киссасининг мантикий давоми сифатида унда келтирилган қаҳрамонларнинг кейинги авлодлари билан руйберган воқеликлар асосида яратилган. Ёзувчи мазкур киссани кечинмалар тарзида, айрим уринларда эса диалог ва монологлардан фойдаланиб яратган. Ушбу жихатларига кура киссани аралаш сюжетли кисса деб аташ мумкин;

- кисса қаҳрамонларининг тақдирини ёритишда асос сифатида ёзувчи ўтмиш воқеликларига алоқадор «Икки наққош» ривоятини келтирадики, мазкур ривоятдаги қаҳрамонлар бошидан кечирган воқеалар киссада бошқа қаҳрамонлар мисолида айнан такрорланади. Адибнинг маҳорати шундаки, у ривоятнинг мазмунини киссага сингдириш билан бирга ундаги қаҳрамонларни ҳам айнан танлайди;

- «Гириҳ» киссаси тасвирнинг моҳияти жихатдан ҳаёлий-фантастика шаклида ёзилган бўлиб, ёзувчи томонидан ҳаётий воқеликларга бот-бот яқинлаштириш орқали соф фантастик жанр қирраларинигина саклаб қолган;

- Қисса мазмунига кура гарчанд тарихий мавзуда ёзилган бўлса-да, унинг воқеалар тизими бу даврони тула қамраб олмайди. Унга танланган объектгина тарихий, ҳолос. Давр кўринишлари ва лисоний элементлар қаҳрамонлар учун ҳам муаллиф учун ҳам бир хил тарзда танланган бўлсада, асарнинг мазмун-моҳияти дан келиб чиқиб уни тарихий-замонавий қисса деб аташ мумкин.

Мазкур хулосаларни биз тугалланган ва сўнгги хулосалар сифатида баён этганимиз йўқ. Зотан, ҳар қандай бадиий асарга бўлган муносабат ҳар бир даврда ўзига хос бўлиши табиий жараён.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Асад Дилмурод. “Қиссалар ва ҳикоялар”. Тошкент. “Шарқ”, 2001-йил.
2. Қ.Йўлдошев “ Ёниқ сўз” Тошкент. 2006-й.
3. Қ.Йўлдошев “ Бадиий асар таҳлили методикаси” Тошкент. 2005-й.
4. Б.Тўхлиев “ Адабиёт ўқитиш методикаси” Тошкент. 2008-й.
5. У. Ўлжабоев “ Бадиий тасвир ҳаққонийлиги” “Зиё” нашриёти Гулистон 2006-й.
6. А.Қулжонов “Ўзбек адабий танқиди тарихи” “Зиё” Гулистон. 2008-й.
7. Ҳ.Мирҳайдаров “Тафаккур гавҳари” Хўжанд. 2006й.
8. Н.Раҳимжонов, Қ.Кубаев “Тарихий қиссалар ҳақиқат излайди” Адолат нашриёти. Тошкент 2005-й.
9. [http:// WWW/ ziyonet. uz/ ru/ library/ book/](http://WWW/ziyonet.uz/ru/library/book/) Эргашева Ш.Т, Пўлотов А.Р, Табаев.А.З. Битирув малакавий ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш бўйича методик қўлланма. Тошкент ирригация ва мелиорация институти. 2008-й.
10. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. Адабий асар. -Жилд.1.-Т.: Фан, 2001. – 416 б.
11. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. Адабий-тарихий жараён. – Жилд.1.-Т.: Фан, 2002. – 448 б.
12. Н.Ҳотамов. Б. Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 300 б.
13. Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 1 жилд. Эпос. -Т.: Фан, 1991.-264 б.
14. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: 2001. – 93 б.
15. Йўлдошев Қ. Дастлабки доvon белгилари // Шарқ юлдузи.-2001.- биринчи фасл. Б. 5-10
16. Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. – 288 б.
17. Мирзаев И. Тафаккур ва наср. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 192 б.
18. Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари. – Т.: Фан, 1991. – 64 б.
19. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.

20. Султонова М. Ёзувчи услубига доир (Ойбек, А. Қодирий, А. Каҳҳор, С. Аҳмад прозаси асосида). – Т.: Фан, 1973. – 116 б.

21. Шарафиддинов О. Адабий этюдлар. (адабий-танқидий мақолалар). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. – 168 б.

22.w.w.w. ref.uz.

23.w.w.w. google

24.w.w.w. ziyonet uz.

25.w.w.w. literature. uz.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....бет

**I БОБ ТАРИХИЙ АСАРДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР
ТАЛҚИНИ.....бет**

**II БОБ ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК ВА БАДИИЙ ТАСВИРНИНГ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....бет**

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....бет

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....бет

МУНДАРИЖА.....бет